

**«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» Aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining  
Навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида  
ХАБАРНОМА**

**Хурматли акциядорлар!**

«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ Кузатув кенгашининг 2023 йил 17 апрелдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 12 май куни Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Навоий, 39 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 10:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 09:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 09:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри **2023 йил 08 май** ҳолатига тузилади.

**Кун тартиби:**

- 1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.*
- 2. Жамиятнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташиқи аудит текширувидан ўтказиш, аудиторлик ташиқлотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.*

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Навоий, 39 уй бўйича жойлашган «ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ нинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: [info@ariainsurance.uz](mailto:info@ariainsurance.uz).

Телефон: (71) 202-88-88.

**Кузатув кенгаши**